O'ZBEKISTON




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 16 декабрь, №252 (3264) Сешанба




### Сессиядан кейинги ўйлар

***Олий Мажлиснинг XIII сессияси қандай ўтаётганини ҳамюртларимиз қизиқиш билан кузатиб турдилар. Кенг жамоатчилик сессияда Президентимиз томонидан тилга олинган муаммолар, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси ва уни қабул қилиш билан боғлиқ масалалар, хуллас, анжуман таассуротлари билан яшамоқда.***

## ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

**Турсунхўжа ИСКАНДАРОВ, Қуйи Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги раиси:**

– Олий Мажлиснинг XIII сессияси ишини алоҳида эътибор билан кузатдим. Назаримда, у кўтаринки руҳда ўтди. Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалиги тизимидаги ислоҳотларни кучайтиришга оид гаплари хўжалигимиз аъзоларининг ҳам кўнглидаги гап бўлди. Деҳқончилик мавсумий иш эмас. У билан муттасил шуғулланиш лозим. Ана шунда бу соҳа жадал ривожланади. Зеро, сессияда айтилган фикрлар қишлоқ одамларининг ҳаёти келгусида янада фаровонлашувини англатади.

Қабул қилинган қонунларнинг ҳаммаси пировардида турмушимиз юксалишига хизмат қилади. "Хусусий корхона тўғрисида"ги ёки "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунни олайлик, — ҳар бири эртамиз бугундан яхшироқ бўлишини таъминлайди.

**Бахшанда БОЛТАЕВА, Ғиждувон шаҳри "Аторуд" газетаси муҳаррири:**

– Мен Олий Мажлиснинг XIII сессияси ишини кузата туриб, бир нарсага амин бўлдим. Одамларимизда юртпарварлик туйғуси кучайиб, эртанги кунга ишончлари мустаҳкамланиб бораяпти.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Олий Мажлиснинг якунланган навбатдаги сессияси катта аҳамият касб этди. У парламентимизда кутилаётган янги ислоҳотларга тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади, дейиш мумкин. Қишлоқ ҳаётини фаровонлаштиришга чуқурроқ киришиш, менимча, нафақат раҳбарлар иши, балки шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг доимий мақсад-вазифаси бўлиши керак.

**"Халқ сўзи" мухбири Мамлакат НОРМУРОДОВА суҳбатлашди.**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Тошкент вилояти. (ЎзА мухбири Л. СУВОНОВ).***

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат чегараси тўғрисида"ги қонунининг ижроси, мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлиги ва ҳудудий барқарорлигини таъминлаш, республикамизга моддий-товар бойликларининг ноқонуний киритилиши ва олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш борасида вилоятда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай, йилнинг ўтган даври мобайнида контрабанда йўли билан олиб кирилган бир миллиард 410 миллион сўмлик маҳсулот мусодара қилинди ва қонунбузарлардан 50 миллион сўмдан ортиқ жарима ундирилди. Шунингдек, уч ярим мингдан зиёд киши маъмурий, 500 дан ортиқ қонунбузар эса жиноий жавобгарликка тортилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Уни вилоят ҳокими У. Мирзақулов бошқарди.

Шунингдек, сессияда вилоятда солиққа оид қонунчиликка риоя этиш тўғрисида ҳам сўз борди. Ўтган даврда маҳаллий бюджетнинг истиқболдаги режаси 101 фоизга бажарилди. Натижада, режадан ташқари туширилган 365 миллион сўм ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланди.

Вилоятда йилнинг тўққиз ойи мобайнида текширилган уч мингдан ортиқ корхонанинг 80 фоизи солиқ қонунчилигига тўла риоя қилмаётгани аниқланган.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



## ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМДАРДЛИК ИЗҲОР ЭТДИ

Озарбойжон халқи оғир жудоликка учради. Мамлакатнинг собиқ Президенти Ҳайдар Алиев 81 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У АҚШнинг Огайо штати Кливленд шаҳридаги шифохонада вафот этди.

Ҳ.Алиев Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатларини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоби, моҳир сиёсатчи эди.

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчихонасига ташриф буюриб, халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ушбу давлат халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик изҳор этди. Хотира китобига ҳамдардлик сўзларини ёзди.

Ҳ.Алиев 1923 йил 10 майда Нахичеванда туғилган эди. У 1969 йилнинг июлида Озарбойжонга раҳбар бўлди.

Озарбойжонда мустақиллик йилларидаги ислоҳотларни ҳам Ҳ.Алиев бошлаб берган эди. 1993 йилнинг 3 октябрида Президент этиб сайлангач, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга асос қўйилди, халқ тотувлиги мустаҳкамланди. 1998 йилнинг 11 октябрида у яна сайловда ғолиб чиқиб, президентлик фаолиятини давом эттирди.

15 декабрь куни Бокуда Ҳ.Алиев билан видолашув маросими бўлди. "Республика" саройига ўн минглаб одам, қатор мамлакатлардан ҳукумат делегациялари келди.

Озарбойжонда Ҳ.Алиев вафоти муносабати билан етти кунлик мотам эълон қилинди.

Озарбойжон Миллий мажлиси (парламент) халққа мурожаат эълон қилиб, Ҳ.Алиев бошлаган ишни унинг ўғли — Президент Илҳом Алиев атрофида жипслашиб давом эттиришга даъват этди. Парламент вакиллари, Ҳ.Алиевга энг яхши ёднома у бошлаган ишни муносиб давом эттиришдан иборат, деб ҳисобламоқда.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: таъзия билдириш пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

* * *

Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси Озарбойжон Республикасининг собиқ президенти, жаноби олийлари Ҳайдар Алиризо ўғли Алиев 2003 йилнинг 12 декабрь куни вафот этганлигини маълум қилади.

Шу муносабат билан Озарбойжон Республикасида етти кунлик мотам эълон қилинди. Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида Ҳамдардлик китоби келувчилар учун кеча ва бугун соат 10 дан 13 гача очиқ бўлади.

Озарбойжон Республикасининг собиқ президенти Ҳайдар Алиризо ўғли Алиевнинг дафн маросими 2003 йилнинг 15 декабрь куни Боку шаҳридаги «Фахрий дафн этиш хиёбони»да бўлиб ўтди.

***Кеча республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирокида мамлакатимиздаги ногиронлар ижтимоий муҳофазасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

### Ижтимоий муҳофазага бағишланди

Меҳр ва мурувват йили деб аталган Янги йил арафасида ушбу масала алоҳида аҳамият касб этади. Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда инсон қадр-қимматининг ҳар нарсадан юқори қўйилиши, меҳр ва мурувват туйғуларининг улуғланиши, келаётган Янги йилда ана шу эзгу инсоний интилишларнинг устуворлигини таъминлашга қарор қилингани дилларимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Маълум бўлишича, бу йил мамлакатимизда ногиронликнинг олдини олиш, жисмоний имкониятлари чекланган кишиларнинг даволаниши, уларни иш ва нафақа билан таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан яна ҳам салмоқли миқдорда маблағ ажратилади.

Анжуманда республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. Обидов журналистларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ фаолиятга доир саволларига жавоб қайтарди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЯНГИ ЙИЛДА — ЯНГИ ПОЕЗД



Пойтахтимизни бошқа шаҳарлар билан боғлайдиган электропоездлар қатнови бундан роппа-роса йигирма йил муқаддам бошланган эди. Чингелди — Ховос йўналиши тўлиқ электрлашгач, Тошкент-Сирдарё қатнови ташкил этилди.

Бугун электропоездлар Тошкентдан Хўжакент, Ховос, Сирдарё, Жиззах, Гулистон ҳамда Самарқанд шаҳарларигача қатнаб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясида йўловчи ташийдиган вагонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Янги вагонларни россиялик ҳамкорлар билан бирга шу ерда, ўзимизда йиғаяпмиз, — дейди "Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Фаррух Дадахўжаев. — Янги йилга қадар дастлабки олти вагон йўловчилар ихтиёрига топширилади.

Янги вагонлар учун эҳтиёт қисмлар мамлакатимиздаги "Кварц" акциядорлик жамияти, "ЎзДЭУавто" ҳамда "Хива-карпет" қўшма корхоналарида тайёрланмоқда.

— Тошкент — Самарқанд йўналишига мўлжалланган янги тезюрар поезд жаҳон андозаларига мос замонавий анжомлар билан жиҳозланмоқда, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг матбуот хизмати бошлиғи Сувонқул Рустамов. — Ҳар бир вагон 48 ўринга мўлжалланган. Олти киши жойлашадиган купеларнинг ҳар бирига иккитадан телевизор, алоҳида иситиш, совутиш ва ёритиш мосламалари ўрнатилган.

Хитойдан ўн иккита тезюрар электровоз сотиб олинди. Айни пайтда йўлсозлар Самарқандгача бўлган йўлни таъмирлаш ва қўшимча электр қувватини билан таъминлаш борасидаги ишларни ниҳоясига етказмоқда.

Ҳозир қатнаётган поезд пойтахтдан Самарқандга беш соатда етиб боради. Мутахассислар фикрича, яқин кунларда илк бор йўлга чиқадиган янги электропоезд бу вақтни қарийб икки соат тез босиб ўтади.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА мухбири. Муҳаммад АМИН олган сурат.**

### Мактабга грант

Иштихон туманидаги лицей-интернатнинг янги биноси қурилишига Япония ҳукумати томонидан 70.759 доллар миқдорида грант ажратилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон, Япония ва АҚШ фуқаролари томонидан амалга оширилмоқда. Бинони қуриш режасини мактаб директори Келдиёр Очилов, инглиз тили ўқитувчиси Илёс Иброҳимов ҳамда Тинчлик корпуси кўнгиллилари Даниел Бен ва Шери Ван Нес тайёрладилар. Қурилиш ишлари келаси йил баҳорда бошланади.

**«Туркистон-пресс».**

### Пойтахтимизда



## 2003 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ҳулкар СОДИҚОВА).***

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчилар савиясини замонавий билим ва технология асосида янада юксалтириш, юқори малакали педагог ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан "Йил ўқитувчиси" анъанавий кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Республика таълим марказида ушбу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди. Бунда танлов қатнашчиларининг ўз фанига бўлган қизиқиши, замонавий технологияни қай даражада ўзлаштиргани ва компьютердан хабардорлиги, фанни ўқитиш учун тайёрлаган кўргазмали қуроллари болаларнинг билимини ошириш, мустақил фикрлаш ва янгилик томон интилишга сафарбар этиши асосий мезон сифатида олинди.

Танловда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайниддинова 2003 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди. Навоий шаҳридаги 17-мактаб она-тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулноза Сатторова иккинчи, Наманган шаҳридаги 7-мактаб тарих ўқитувчиси Раъно Эронова учинчи ўринга сазовор бўлди.

### Битим амалда

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ҳамда ҳамкорлик битимини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси бошқарув қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иштирок этган мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари юқорида қайд этилган лойиҳа раҳбари Адриан А. Стрейннинг лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш ҳақидаги ахборотини муҳокама қилдилар ҳамда яқин келажакдаги режалари билан танишдилар.

Йиғилишда Европа Иттифоқига аъзо қатор давлатларнинг элчилари ва Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги директори кузатувчи сифатида қатнашишди.

**С. ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Жойлардан хабарлар

### Болажонлар қувончи

**Германияга «даволаниш учун жўнатилган болалар қайтиб келишаяпти». Туғма ногирон бўлган ва айни пайтда соғлом бўлиб юртига қайтаётган болаларнинг кўзларида порлаган қувончни кўриш қандай бахт.**

**Дарҳақиқат, жорий йилнинг бошида беш нафар йигит-қиз — самарқандлик Г. Тиллахўжаева, Б. Ҳамроев, тошкентлик З. Султонова, наманганлик Д. Акбарова ва бухоролик М. Ғиёсовлар «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Германияга юборилганди. Айни пайтда улар ўз оилалари бағрига соғ-саломат қайтдилар.**

**– Оёқларим туғма нуқсонли эди, – дейди 12 ёшли Гулчеҳра Тиллахўжаева. – Икки марта операция қилишди. Натижада ўртоқларимдек тўғри ва равон юрадиган бўлдим.**

**М. ХОЛМАТОВА.**

### «Диёнат» танлови ғолиблари

**Наманган вилоят ҳуқуқ идораларининг нашри – «Диёнат» газетаси уюштирган «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзуидаги энг яхши мақолалар танлови якунланди. Унга кўра, Абдулла Жаббор, Аҳмад Турсун, Исматилла Абдуллаев, Зоҳида Комилова сингари қаламкашлар танлов ғолиблари бўлишди.**

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёшлар тадбиркор бўлса

**Тадбиркор ёшлар қандай қилиб ўзининг ҳақиқий касбига эга бўлиши, келажаги учун йўл очиши мумкин? Бугунги ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги ўрни қониқарлими? Жиззахда кичик бизнесни ривожлантиришга бағишланган семинар-тренингда ана шу каби мавзуларда баҳс юритилди. Тадбирни уюштирган Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоятдаги йигит-қизлар фаолияти билан танишдилар.**

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Осиё курашчилари Теҳронда

**18 декабрь куни Эронда ўзбек кураши бўйича 3-Осиё чемпионати бошланади. Икки кун давомида қитъанинг 20 га яқин давлати полвонлари Осиё чемпионлигини қўлга киритиш учун гиламга чиқадилар. Маълум бўлишича, Эрон пойтахтидаги спорт саройида ўтказиладиган мусобақага мезбон жамоа вакиллари жиддий тайёргарлик кўришган. Шу боис мутахассислар ҳам биринчиликда ўзбекистонлик полвонларга айнан мезбонлар қаршилик кўрсатишларини эътироф этишмоқда. Ўтган ҳафта терма жамоамиз аъзолари Теҳронга учиб кетишди. Ўзбекистон Кураш миллий федерациясидан олинган маълумотларга кўра, ҳамюртларимиз беш вазн тоифасида бел олишади. Юртимиз шарафини Абдулла Тангриев (мутлақ), Давлат Чориев (90 кг.), Рамзиддин Саидов (81 кг.), Халил Жумаев (73 кг.) ва Аюб Камолов (66 кг.) лар ҳимоя қилишади.**

**Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### «Халқ сўзи» назоратида


Электрдаги узилишлар — асабдаги бузилишлар

**Газетамизнинг шу йил 141-сонида "Электрдаги узилишлар — асабдаги бузилишлар" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Мазкур танқидий мақолани "Ўзбекэнерго" Давлат акционерлик компанияси"га ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигига текшириш учун юборгандик. Яқинда улардан расмий жавоблар олдик.**

## Бир чиқишга икки жавоб

"Фарғона электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти ходимларининг йиғилишида газетада чоп этилган мақола атрофлича муҳокама қилинди. Унда Бағдод туманида олиб борилган чекланишлар ҳақиқатан бўлганлиги, ҳокимият билан келишилган чеклаш жадвали айрим ҳолларда бузилгани эътироф этилди. Барча нозирларга, абонент бўлими бошлиқларига, назоратчиларга электр энергиясидан қарзи бўлган ёки рухсатсиз электрдан фойдаланаётган шахслар билан ҳеч қандай келишувга бормай, ҳатто ноқонуний ҳаракатлар аниқланса, жиноий жавобгарликка тортиш чоралари қўллаш уқтириб ўтилди. Шунингдек, қиш мавсумида электр узатишда сабабсиз чеклашларга йўл қўймаслик чоралари кўрилди.

**Б.БАЙМАТОВ, "Ўзбекэнерго" Давлат акционерлик компанияси "Ўзэнергосотиш" шўъба корхонаси директори".**

"2002-2003 йил куз-қиш даврида вилоят истеъмолчилари учун олинган электр энергиянинг 50-55 фоизи аҳоли томонидан истеъмол қилинди. Бунинг сабаби вилоятнинг баъзи туманларида куз-қиш даврида табиий газ таъминоти яхши бўлмаганлигида. Натижада электр энергиясидан иситиш мақсадида фойдаланилди ва истеъмол меъёрдан ортиб кетди. Бу эса энерго блокларда ишлаб чиқарилаётган қувватга нисбатан истеъмол ортиб кетишига олиб келди. Шунинг учун "Фарғона электр тармоқлари" корхонаси томонидан вилоят ҳокимлиги ва тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда жойларда жадваллар асосида чеклашлар олиб борилди. Аҳоли хонадонларидаги носоз электр ҳисоблагичлар таъмирланмоқда.

Электр энергиядан фойдаланишда ўғрилик, исрофгарчилик ҳолатлари устидан назорат ўрнатиш кераклиги назоратчиларга алоҳида уқтирилди. Бугунги кунда аҳоли ўртасида электр энергиядан самарали фойдаланиш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**А.ЭРГАШЕВ, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари".**

## Таълим — келажак пойдевори

*Деновда бир мактаб бор. 1-умумий ўрта таълим мактаби деб аталадиган бу даргоҳ 460 ўринли. Биносини ҳашаматли десак, муболаға бўлар. Лекин — кўркам. Оддий меъморий андозалар асосида қурилган мактабнинг ичкариси ҳам одмигина. Бироқ эндигина таъмирдан чиқарилганга ўхшайди — деворлар, пол ва пойгаклар ялтиллаб турибди. Мактабнинг ҳар бир синф хонасида тароват.*

*— Бу тароват ўқувчиларимизнинг одобидан, — дейди директор ўринбосари Маҳбуба Зиёмиддинова. — Улар деворга, партага чизмайдилар. Дарахтдан биронта баргни узиб олмайдилар. Қайси бир куни мактабга келган «комиссия» сигаретининг қолдиғини гултувакка ташлаган экан, бир ўқувчи қизимиз «комиссия»га намойишкорона уни тувакдан ташқарига чиқариб ташлади...*

# ДЕНОВ МАКТАБИ

Зиёмиддинованинг айтишича, мактаб маъмурияти таъмир учун ота-оналарни безовта қилмайди. Бюджетга қўл чўзмайди. Маблағни ўзи топади. Масалан, деворга илинган маълумотномадан биз мактаб бултур ўз лимонзоридан ярим миллион сўм, буғдой, маккажўхори экилган майдонларидан ҳам ярим миллион сўм даромад олганлигини ўқиб билдик. Ҳатто, ўз кучлари билан компьютер синф ташкил қилибдилар. Спорт залини намунали равишда жиҳозлаб қўйибдилар. Футбол, волейбол, баскетбол ўйингоҳлари ҳам чимланган, чизиқ тортилган.

Мактабнинг ёши олтмишдан ошган директори Хосият Қораева бўлса:

— Ободонлаштириш юмушларимиз кундалик йўл-йўлакай қилинаётган ишлар, ташвишимиз, дардимиз — таълим-тарбиянинг сифати, — дейди.

Қораева «Институтни битирдим. Мени ишга оласиз», деган дипломлиларнинг ҳаммасига ҳам синфхона эшигини очиб бермас экан. Директорнинг, умуман, жамоанинг ўз имтиҳони — чиғириғи бор. Ишга киришдан олдин диплом кўтариб келган мутахассис диктант ёзади. Масала ечади. Унинг ҳуснихатига, овозига, гапириш, ўзини тутиш тарзига эътибор берилади. Таълим-тарбия дегани ахир алоҳида салоҳиятни талаб қилади. Ўқитувчига — устозига ўқувчи эргашсин. Қалбида устозимдай бўлайин, деган орзу уйғонсин. Иш ана шунда қовушади.

Таълим-тарбияга қолганда Қораева юз-хотирчилик, келишувчилик, муроса-мадорани ўйламайди. Саводи ҳаминқадар ўқитувчини «чаламулла» дейди. «Ўзлаштириш» деган ақиданинг изидан қувмайди. Ўқувчи билими, иқтидорига қараб баҳоланади. Бироқ, сен уқувсизсан деб «икки» баҳо олганни сафдан чиқариб қўймайди. Иқтидорли ўқувчига «беш» қўйиш осон. Ўқитувчи бўлсанг, ҳаракати суст шогирдни тетапоя қил! Бу — Қораеванинг талаби. Иш услуби.

4-синф ўқувчиси Маҳлиё Шоназарова билан гаплашамиз. 400 та шеърни ёддан билади. Ҳалитдан жаҳон адабиёти дурдоналаридан бохабар. Муниса Рўзиева ҳам 4-синфда ўқийди. Математикага қизиқади. Шеър ёзади. Нияти ҳозирдан чакки эмас: Америкага бориб ўқиш.

***

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган гапимнинг мазмунини туман халқ таълими бўлимининг мудири Юсуф Саннаев илғаб олади.

— 89 та умумий ўрта таълим мактабимиз бор, — дейди у. — Мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларимиз, ҳаммаси таълимнинг малакали ташкил этилиши жиҳатидан Қораеванинг мактабига ўхшайди.

Бундан уч-тўрт йил аввал тадбиркор — «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев Орол деган қишлоққа дангиллама мактаб қуриб берди. Нарзуллаевга «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилгани ҳақидаги хушхабардан, бизнингча, ҳаммадан ҳам «орол»ликлар, Қаҳрамон қурган мактабнинг ўқувчилари хурсанд бўлдилар. Ўша мактабнинг ўқувчилари билан бугун гаплашиб кўринг: уларнинг ҳар икковининг биридан «Мен Аҳмад акадек тадбиркор бўламан», деган жавобни эшитасиз. Мана сизга меҳнат авлодларни бир-бирига туташтириб турадиган ип. Бир-биридан фахрланиш туйғуси.

Нарзуллаев «Орол»да бошлаган хайрли иш ибрат бўлиб, туманга кейинги йили ҳомийлар томонидан яна иккита мактабга янги иморат қуриб берилди. 8 та мактаб тубдан таъмирланди. Ўқувчиларнинг ўзлари ўз синфларида гуллар ўстириши русумга кирди. «Тила тилагингни» деган ҳикматли гап бор. Бу — синов гап. Одамнинг кимлиги унинг тилагида намоён бўлади. Деновда, топганимиз болаларимизники, ўқувчиларимизники, деган тилаклар, эзгу мақсад сифатида шакллана бошлади. Тилаги улуғ одамларнинг ишлари бугун ҳатто, хорижлик дўстларимизнинг диққатини тортмоқда. Масалан, 78-мактабга яқинда Япония гранти ҳисобидан 58 минг АҚШ доллари қийматидаги ўқув жиҳозлари жойлаштирилди. Американинг СНЕ ҳамкорлик ташкилоти 11-мактабни таъмирлади. 80-мактабга бўлса Осиё ривожланиш банки ҳисобидан 100 минг долларлик жиҳозлар ўрнатилиб, бу ерга масофадан туриб ўқитиш жорий этилмоқда. 36, 27-мактабларнинг чет тили ўқитувчилари А.Нурмуродов ва Д.Муҳиддиновлар АҚШ ҳамкорлик ташкилоти АКСЕЛСнинг ғолиби бўлдилар. Деновлик 15 нафар талаба бугун жаҳоннинг энг нуфузли дорилфунунларида таҳсил кўрмоқда.

Касбини ўз қалбининг бир бўлаги деб билган одамгина ўзини аямай ишлайди», — Хосият Қораеванинг бу гапини энди такрорлаётганлар бошқа мактабларда ҳам оз эмас.

– Ўғилларим Феруз, Хуршидларга 77-мактабда Бибинор Қорақулова таълим берди. Қорақуловага қойил. Унинг қўлида таълим олганлар, шубҳасиз, олий ўқув юртларига ўқишга кирадилар, – дейди деновлик Эътибор Хўжаева.

82-умумий ўрта таълим мактабидагиларнинг кўпчилиги бўлса химия фанига қизиқишади. Бу мактаб химия ўқитувчиси Омон Караматовни «Деновнинг Беруний»и деб улуғлашади. Караматовдан сабоқ излаб шогирдлар узоқ-узоқлардан келадилар. Шундай! Ота-она бугун фарзанди учун муносиб устоз изламоқда, топмоқда.

Туман ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов 19-мактабдаги таълим жараёнини эринмасдан таҳлил қилганини эшитиб, тўғриси, кўнглимиз равшан тортади. Мактабга, таълим-тарбия ишига раҳбарнинг кўзи ўнг бўлса, ота-она болалари тақдирига, таълимига қизиқса, ўқитувчи юрагидан сачраган оташ ёш қалбларда орзу-ният гулханларини ловуллата билса, мактаб ўқувчиси Бахтиёр Назировга ўхшаган болаларимиз Қуръони Карим ва «Ҳуқуқимиз асослари» деган мавзуларда рисолалар битса... биласизми, эртанги кун — келажагимиз кўзларимизга ёруғ кунлар оғушида кўрина бошлангандай бўлади.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳримиз сизга, болажонлар!

**Ўзбекистон Бадиий академиясида бу сафар очилган кўргазма аввалгиларидан фарқ қилди. У етук мусаввирлар асарларидан эмас, бу оламга улкан орзулар ила кириб келаётган болаларнинг илк ижод намуналаридан ташкил топган эди. Тадбир Кўқон шаҳридаги «Иқтидор» номли ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан ташкил этилганди.**

## Кўргазма

Қатор осиғлиқ турган суратлар киши эътиборини ўзига тортади. Ногиронлар аравачасида ўтирган болакай, унинг боши узра дўппи шаклидаги соябон, атрофида эса Миср пирамидалари бўй чўзиб турибди. Дафъатан қараган кишига бу тушунарсиздай, ҳатто қизиқ туюлади. Расм остидаги исм эгаси — Ўктам Мамадиевни меҳмонлар орасидан қидира бошладик. Жажжи кўзларида ажиб бир вазминлик акс этган Ўктамдан суратга изоҳ сўраймиз.

— Биласизми, асардаги бола Мисрга боришни орзу қилади ва унга етади ҳам. Бошидаги дўпписи эса уни бегона юртларда барча ёмонликлардан асраб, унга соябон бўлиб турибди.

Эндигина ўн тўртни қаршилаб, катталардек фикр юритаётган бу ёш истеъдод эгасининг иқтидорига ҳавас қиласиз.

Кўргазмадаги тасвирлар эгаларига қараб туриб, биз томонимиздан ҳадя этилган озгина меҳр ҳам улар учун бир дунё қувонч эканини англаймиз. Шу мурғак болалар ҳаётга умид кўзи ила боқиб турганида улардан меҳримизни дариғ тутмайлик.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


CAAPAD

**PARTNERSHIP IN ACADEMICS AND DEVELOPMENT MICRO FINANCE PROGRAM**

**VACANCIES**

«Академик таълим ва ривожлантириш бўйича ҳамкорлик» (АҚШ CAAPAD ташкилоти ваколатхонаси) микромолиялаштириш дастури гуруҳ, якка тартибда ва кичик қарзлар ажратиш йўли билан Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга молиявий кўмак бериб келмоқда. Дастурнинг бош офиси Тошкент шаҳрида жойлашган. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида минтақавий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда Фарғона ва Термиз шаҳарларида минтақавий бўлимларни очиш ишлари олиб борилмоқда.

Дастур ўзининг Фарғона ва Термиз шаҳарларидаги минтақавий бўлимларига ***кредит мутахассислари*** вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Ушбу лавозимда ишлашни хоҳловчилар ўзбек ёки рус тилида ёзилган резюмеларини 2004 йил 1 январгача қуйидаги электрон почта ёки факсга жўнатишлари лозим: jobs@caapad.org

**Факс (+998-71) 120-64-79. Телефон (+998-712) 55-84-61.**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги веб-сайтдан олишингиз мумкин: www.caapad.org

8328Р/2632



Mix Market

ИДОРА МЕБЕЛЛАРИ САЛОНИ

Италия дизайнерлари ишланмалари

15 турдан зиёд кабинет мебеллари
2,5 м. дан 5 м. гача бўлган конференц-столлар
Шкафларнинг катта танлови

КОНСЕРВАТИЗМДАН АВАНГАРДГАЧА



Офис тўсиқлари
чарм креслолар
юмшоқ мебеллар тўплами

Буюртма бўйича конференц креслолар етказиб бериш имконияти бор

Товар сертификатланган

Бизнинг манзил :Тошкент ш.,А.Темур-Эргашев к., 2
(мўлжал «Қозоғистон» к-ри,Юнусобод тумани солиқ инс-си қаршисида)
Тел.: 135-74-47, тел./факс: 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com



# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

## «СЮРПРИЗ» ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ

**2003 йилнинг 9 декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Сюрприз» ютуқли омонати бўйича 4-ютуқ тиражининг РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

### Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди

| № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | № | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 200 | 15 | 26 | 25 | 263 | 51 | 25 | 518 | 76 | 25 | 767 |
| 2 | 50 | 29 | 27 | 25 | 271 | 52 | 25 | 528 | 77 | 25 | 774 |
| 3 | 50 | 32 | 28 | 25 | 283 | 53 | 50 | 536 | 78 | 25 | 781 |
| 4 | 50 | 43 | 29 | 25 | 294 | 54 | 25 | 547 | 79 | 25 | 796 |
| 5 | 25 | 58 | 30 | 25 | 302 | 55 | 50 | 555 | 80 | 25 | 809 |
| 6 | 100 | 68 | 31 | 50 | 317 | 56 | 25 | 560 | 81 | 100 | 813 |
| 7 | 50 | 71 | 32 | 25 | 329 | 57 | 25 | 572 | 82 | 25 | 822 |
| 8 | 100 | 80 | 33 | 25 | 332 | 58 | 25 | 584 | 83 | 50 | 836 |
| 9 | 25 | 93 | 34 | 25 | 340 | 59 | 25 | 595 | 84 | 25 | 847 |
| 10 | 25 | 103 | 35 | 25 | 353 | 60 | 25 | 602 | 85 | 200 | 859 |
| 11 | 25 | 113 | 36 | 50 | 364 | 61 | 50 | 617 | 86 | 50 | 867 |
| 12 | 25 | 122 | 37 | 100 | 370 | 62 | 25 | 627 | 87 | 50 | 876 |
| 13 | 25 | 137 | 38 | 100 | 387 | 63 | 25 | 631 | 88 | 25 | 887 |
| 14 | 25 | 143 | 39 | 25 | 394 | 64 | 50 | 647 | 89 | 25 | 890 |
| 15 | 100 | 158 | 40 | 25 | 403 | 65 | 25 | 656 | 90 | 50 | 902 |
| 16 | 100 | 167 | 41 | 25 | 414 | 66 | 25 | 664 | 91 | 200 | 913 |
| 17 | 25 | 174 | 42 | 25 | 429 | 67 | 25 | 678 | 92 | 25 | 929 |
| 18 | 25 | 189 | 43 | 50 | 438 | 68 | 25 | 681 | 93 | 50 | 937 |
| 19 | 25 | 196 | 44 | 50 | 444 | 69 | 100 | 693 | 94 | 50 | 943 |
| 20 | 25 | 200 | 45 | 200 | 455 | 70 | 25 | 709 | 95 | 100 | 951 |
| 21 | 25 | 211 | 46 | 25 | 462 | 71 | 25 | 719 | 96 | 100 | 969 |
| 22 | 25 | 228 | 47 | 50 | 477 | 72 | 25 | 727 | 97 | 25 | 973 |
| 23 | 25 | 230 | 48 | 25 | 486 | 73 | 25 | 739 | 98 | 25 | 984 |
| 24 | 25 | 242 | 49 | 200 | 498 | 74 | 50 | 742 | 99 | 25 | 991 |
| 25 | 25 | 256 | 50 | 25 | 502 | 75 | 25 | 752 | 100 | 25 | 1000 |

**ИЗОҲ: ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган.**

Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдек. Масалан, ВС-15, ВС-1015, ВС-2015, ВС-3015...

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

*Ҳайъат раиси,*
*бошқарув раисининг ўринбосари* — *Н.П. Козлова*
*Маъсул котиб,*
*Хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи* — *Н. Г. Эргашходжаев*



*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг**

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ**

*иншоотни тўлиқ қуриб битказиш учун пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.*

**1. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида пахта тозалаш корхонаси қурилиши.**

**Буюртмачи — Навоий шаҳри, Б.Равшанов кўчаси, 201-уйда жойлашган Навоий вилояти «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси.**
**Қурилиш ишлари «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳисобидан олиб борилади.**

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **— Навоий ш., С.Айний к., 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.**

*Бир тўплам (комплект) ҳужжатларнинг қиймати қурилиш учун — 50000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий ш., Б.Равшанов кўчаси, 201-уйда жойлашган Навоий вилояти «Навоийпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси биносида ўтказилади.**



Товар сертифицирован

Узбекско-американское предприятие
**SWEETS INTERNATIONAL**
*представляет кондитерскую продукцию собственного производства. Широкий ассортимент, более 40 наименований кондитерских изделий*

КОНФЕТЫ В ШОКОЛАДНОЙ ГЛАЗУРИ, КАРАМЕЛЬ, ПЕЧЕНЬЕ, ИРИС, ДРАЖЕ, МАРМЕЛАД, ВОСТОЧНЫЕ СЛАДОСТИ

Golden dale

Наш адрес: 713910, Республика Узбекистан, Ферганская область, г. Кува, ул. А. Яссавий, 27
Тел.: (37331) 53-983, 53-093.
г.Ташкент, тел.:(371) 135-46-08, 134-53-80.



ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ · STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK · BANK

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !**



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона



**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**
**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**иншоотни тўлиқ қуриб битказиш учун пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади .**

**1. Зарафшон шаҳар болалар спорт теннис корти.**
***Қурилишни туғаллаш муддати — 4 ой.***
***Буюртмачи — Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 77-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали.***

Қурилиш ишлари Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилояти филиали ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашадиган талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **— Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 225-53-85.**

***Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг қиймати — 50000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий шаҳри, вилоят ҳокимлиги биносида ўтказилади.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Нурмуҳаммад Эрбековга онаси
**ОЙСАФАР момонинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавлатнефтгазинспекция»си бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати
**Нодир Саматович РАМАЗАНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори Сафар Абдухолиқовга отаси
**Оқназар АБДУХОЛИҚОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон радиоси, «Ўзбекистон» канали «Ахборот ва спорт» муҳарририятининг гуруҳ раҳбари Раҳима Каримовага укаси
**Баҳодир УМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси жамоаси масъул ходим Рустам Номозовга падари бузруквори, уруш ва меҳнат фахрийси, профессор
**Жума НОМОЗОВнинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 00172. 21378 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Нормуродова.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.50 2 3 4 5 6